

ИНДУСТРИАЛ-ТЕХНОЛОГИК ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АНИҚ ЛОЙИХАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

25 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида расмий ташриф билан бўлиб турган Чехия Республикаси Бош вазири Петр Фиала бошчилигидаги ҳукумат делегациясини қабул қилди.



Ўзбекистон — Чехия муносабатларини янада ривожлантириш ва икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорликни устувор йўналишларда кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Чехия мамлакатимизнинг Европадаги анъанавий ҳамкоридир. Жорий йилда икки томонлама дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланмоқда.

Кейинги бир неча йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2 баробарга, қўшма корхона ва лойиҳалар сони эса 2,5 баробарга кўпайди.

Бугунги кунда қурилиш материаллари, тиббий ускуналарни ишлаб чиқариш, ишбилармонлик инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Таълим, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларидаги алмашинувлар ҳар доимгидек фаол. Мазкур ташриф доирасида Ўзбекистон — Чехия археологик экспедициясининг 20 йиллигига бағишланган кўргазма очилди.

Учрашув чоғида ўз минтақаларида саноат пешқадамлари бўлган мамлакатларимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигида мавжуд салоҳиятни самарали ишга солиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Ҳукуматлараро комиссия ишини фаоллаштириш ва унинг навбатдаги ййгилишини ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Бугун мамлакатларимиз етакчи корхоналари иштирокида бўлиб ўтган ва истиқболли лойиҳалар тақдимот қилинган бизнес-форумнинг самарали яқунлари юксак баҳоланди.

Қазиб чиқариш тармоғи, энергетикани модернизация қилиш, энергетик машинасозлик, электротехника, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва чарм саноати, транспорт-логистика, тўғридан-тўғри авиакатновларни йўлга қўйиш, транспорт йўлакларини ривожлантириш ва бошқалар устувор йўналишлар сифатида қайд этилди.

Юртимизда Чехиянинг илғор технологияларини кенг жорий қилишга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва биргаликда молиялаштириш воситаларидан фойдаланиш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳамкорликнинг ҳар бир йўналиши бўйича ишчи гуруҳлар тузиш ва "йўл хариталари"ни ишлаб чиқишга қарор қилинди.

Бундан ташқари, Ишбилармонлар кенгашининг фаолияти қайта йўлга қўйилмоқда, унинг доирасида Ўзбекистон ва Чехия пойтахтлари ва ҳудудларида бизнес-форумларни мунтазам ўтказиб бориш режалаштирилмоқда.

Гуманитар алмашинуви кенгайтириш, шу жумладан, Чехиянинг етакчи олий таълим муассасаларида Ўзбекистонлик талабаларнинг тахсил олиши учун квоталарни кўпайтириш ва маданий тадбирлар дастурини қабул қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

САНОАТ КООПЕРАЦИЯСINI ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 апрель куни шу кунларда Тошкент шаҳрида ўтаётган "Иннопром. Марказий Осиё" халқаро саноат кўргазмасида Россия делегациясига бошчилик қилаётган Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг ўринбосари, саноат ва савдо вазири Денис Мантуровни қабул қилди.



Учрашувда икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик кун тартибидеги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари 35 мамлакат бизнесининг 5 минг нафардан зиёд вакиллари иштирокидаги "Иннопром" форуми муваффақиятли ташкил этилгани ва ўтказилаётганини мамнуният билан қайд этди.

Товар айирбошлаш суръатини сақлаш ва иқтисодиётнинг устувор тармоқларида саноат кооперациясини чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Икки мамлакат ҳудудларининг амалий шериклигини янада ривожлантириш ва ҳамкорликни аниқ лойиҳалар билан бойитиш учун кенг имкониятлар мавжудлиги таъкидланди. Мисол тариқасида жорий ҳафтада Жиззах вилоятида технологик парк ишга туширилгани қайд этилди.

Лойиҳа офиси фаолияти доирасида, шу жумладан, энергетика, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, фармацевтика каби йўналишларда ва

бошқа тармоқларда инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишни жадаллаштириш муҳим экани кўрсатиб ўтилди.

Саноат ишлаб чиқаришини қўллаб-қувватлашда Россия тажрибасини жорий этишга қизиқиш билдирилди ҳамда қўшма лойиҳаларни илгари суришнинг институционал механизмларини кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

ЎЗА

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

ҒОЯВИЙ ИММУНИТЕТ



Яқинда Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар муаммоларига бағишланган видеоселектор ййгилиши ўтказди. Унда Янги Ўзбекистоннинг бутунлай янги тарихий шароитлардаги тараққиётида ёшлар иштироки, уларда Ватан туйғуси, ғоявий ва маънавий етуқлик фазилатларини шакллантиришга доир концептуал масалалар ҳақида фикр юритилди.

Давоми 3-бетда

ИНФРАТУЗИЛМА

ҚЎЙЛИҚ — СЕРГЕЛИ ЙЎНАЛИШИДА ТРАНСПОРТ ОҚИМИ 12 ФОИЗ КАМАЯДИ


Тошкент ер усти ҳалқа метро йўналишининг навбатдаги босқичи доирасидаги бекатлар фойдаланишга топширилди

Мегаполис шаҳарга айланиб бораётган Тошкентда аҳолига қулай транспорт тизими яратиб бериш, йўловчиларнинг узогини яқин қилиб, қимматли вақтини тежаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимизда 2017 йилда қурилиши бошланган йирик лойиҳа —

янги ер усти ҳалқа метро йўналишининг барпо этилиши ва бугунги кунда йўловчиларга хизмат кўрсатаётгани Тошкент аҳолиси ва меҳмонлари учун жуда катта қўлайлик, имконият ва совға бўлди.

Давоми 4-бетда

30 АПРЕЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ



Бу халқпарвар давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришда муҳим қадам бўлади

Жонажон Ўзбекистонимиз ривожланишининг янги даврига қадам қўйди. Эришган натижаларимиз тарихга айланиб, олдимизда янги ҳаётини заруратлар ва уларни амалга ошириш бўйича улкан вазифа ва имкониятлар пайдо бўлмоқда. Ҳаёт олдимизга яна кўплаб синов ва муаммоларни қўйиши мумкин ва биз ҳар қандай ҳолатга тайёр туришимиз керак. Лекин қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, демократик ислохотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шу кунларда халқимиз бугунги ва эртанги ҳаёти учун ўта муҳим сиёсий воқеалик — янги тахрирдаги Конституциямизни қабул қилиш учун ўтказилган тарихий референдумга қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мазкур ислохотларнинг диққат марказида

"инсон — жамият — давлат", "Ўзбекистон — ижтимоий давлат" деган тамойилларни конституциявий қоида сифатида ўрнатиш, халқпарвар давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш белгиланган. Аҳамиятли жиҳати шундаки, янги тахрирдаги

Конституция лойиҳаси жамоатчилик томонидан келиб тушган 220 мингдан ортиқ таклифлар асосида ишлаб чиқилган ва такомиллаштирилган бўлиб, уларнинг ҳар тўрттасидан биттаси лойиҳадан жой олган.

Давоми 2-бетда

АДАБИЁТ ЯШАСА — МИЛЛАТ ЯШАЙДИ

ЮРАККА КЎМИЛАР АСЛ ШОИРЛАР

26 апрель — Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф туғилган кун

Давоми 6-бетда

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

ҒОЯВИЙ ИММУНИТЕТ



Оқил САЛИМОВ, академик

Бошланиши 1-бетда

Ёшларда мафқуравий иммунитетни кучайтириш, ғоявий курашчанлик фазилатларини шакллантириш жамият тубдан янгиланаётган, турмуш тарзими жиддий равишда ўзгараётган бир пайтда муҳим аҳамиятга эга. Бироқ инсон қалби, ҳиссиёти, туйғуси ва руҳияти билан боғлиқ бу мураккаб жараёнда, аввало, инсоннинг ўзи ким, у қандай жонзот, инсон феномени нималардан иборат, деган саволларга жавоб топганимиз лозим.

Инсон бутун моҳияти билан ижтимоий ҳодиса. У қанчалик хусусий — ҳар бир инсон алоҳида қадрият бўлмасин, ўз феъл-атвори, қарашлари, жамиятда тутган ўрни ва ижтимоий тараққиётга боғлиқлиги жиҳатидан умумийдир. Шу боис, ҳар бир инсонга алоҳида воқелик сифатида унинг жамият тараққиётга қўшадиган ҳиссаси, ўтказадиган таъсири алоҳида назарда тутилмоғи лозим.

Дарҳақиқат, ҳар бир инсон олам ичра оламдир. Чунки ҳар бир одам алоҳида ва бетакрор, аини пайтда

ривожланмайди, чунки унинг ўзи пок, илоҳий нурдан иборат. Фақат инсонда ривожланиш, руҳий камолот хислати мавжуд”, дейди. Демак, ҳайвонда шаклланишга, ривожланишга, ўзини ўзи бойитишга, ўзини ўзи қадриятга айлантиришга даъват етгани ички, маънавий-руҳий қувват йўқ. У қандай яшаётганини англамайди. Яшаш моҳиятини тушунмайди. Фаришта эса азалу абад пок бўлгани учун унинг шаклланиши ва ривожланишига эҳтиёж йўқ. У шундоқ ҳам тоза, шундоқ ҳам покиза. Фақат инсондагина руҳий камолотга интилиш туйғуси, ўзини ўзи ривожлантириш қуввати мавжуд. Унинг қомилликка интилишида, етуклик сари ҳаракат қилишида, ҳаёт мазмунини бойитишида, шу аснода яхлит жамият маънавий қиёфасини баркамол этишига имконият бор. Руҳий ва маънавий камолот туйғуси инсон феноменининг таянчи, уни қадриятга айлантирувчи ноёб қудратдир.

Худди шу фикрни атоқли немис файласуфи К.Ясперс ҳам ўзига хос талқин этади. Жумладан, у “Ҳис-туйғу моҳияти сифатида инсон ҳайвондан юқори, маънавий-руҳий жиҳатдан эса фаришадан пастда туради. Ўз моҳиятининг ана шу икки жиҳати билан уларга қавмдош бўлса-да, ҳайвон ҳам эмас, фаришта ҳам эмас. Уларнинг ҳар икковидан ҳам устун томонлари бор”, дейди. Демак, инсон жисмидаги ривожланиш қуввати, тақомиллашишга, шаклланишга руҳий эҳтиёж мавжудлиги барча жонзотлардан уни кескин равишда фарқлантирувчи ва жонзотлар оламида алоҳида имкониятлари билан ажралиб турувчи ноёб имконият.

Ҳар бир одам ўзини ўзи камолотга етказса, яхлит жамият маънавий қиёфаси шаклланади. Бунинг учун жамиятнинг ҳар бир аъзосида ўзини ривожлантириш ҳисси — иммунитет бўлмоғи лозим. Ғоявий чиниққан, турли мафқуравий оқимларга берилмайдиган, тараққиётга ва умумийлик манфаатга ҳизмат қиладиган соғлом ғояларни химоя қиладиган одамда ички даъват, маънавий қудрат кучли бўлади. Бу — инсон қалбидаги ғоявий иммунитет.



Ёшларни қомил инсон қилиб тарбиялаш, баркамол шахсни шакллантириш борасида кенг миқёси ишларни амалга оширар эканмиз, биз бевосита ҳар бир навқирон йигит-қиз қалбидаги ана шу нозик жиҳатларни мўлжалга олмоғимиз лозим. Мафқуравий иммунитет ёки ғоявий курашчанлик фазилати, назаримизда, худди шу нуқтада жойлашган. У қимматдор уйғоқ, қурашчан, беҳаловат бўлса, қимматдор мудроқ, танбал, бефарқ ва лоқайд. Бизнинг вазифамиз шу иммунитетни уйғотиш асосида жамият ишига дахлдор, миллат тақдирига тақдирдор, Ватан истиқболни учун жавобгар авлодни шакллантиришдан иборат. Бунинг учун мафқуравий иммунитетнинг вазифасини аниқлаб олмоғимиз лозим.

Кўп йиллик тажрибам ва кузатишларимдан келиб чиқиб айтишим мумкин, ғоявий иммунитет муносабат билдириш, таъсир этиш, йўналтириш, жавобгарлик ҳиссини уйғотиш,

ижоди намуналари, санъат турлари, миллий кийиниш, миллий байрамлар, жумладан, Наврўз, Мустақиллик, Хотира ва қадрлаш куни, Ватан химоячилари куни ва бошқа маънавий-маърифий ишларни олиб боришга тўғри келса, жамоавий шаклда муайян жамоа тўпланган жойда амалга ошириш мумкин.

Ғоявий таъсир этишининг оммавий шакли эса бевосита оммавий ахборот воситалари орқали тўғридан-тўғри бутун жамиятда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришни қамраб олади. Бизнинг ғояча, ёшлар онги ва дунёқарашига ғоявий таъсир этиш узлуксизлигини, тизимлигини, қомплекс ёндашувни таъқозо этади. Дарҳақиқат, мафқуравий иммунитетни кучайтиришда доимий равишда узлуксиз тарзда иш олиб бориш керак. Бу борада, афсуски, лексиконимиз эскирган, луғавий бойлигимиз етарли эмас. Ҳамма гапларимиз тўғри. Фақат у умумий тафсилотдан, баёндан иборат. Сўзларимиз ҳароратсиз. Тингловчиси, хусусан, ёшларни ўзини-ўзи жалб эта олмайди.

“ ҲАР БИР ЁШ ҚАЛБИДА ҒОЯВИЙ ИММУНИТЕТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ КУЧАЙТИРИШ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИНИ ТАЪМИНЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ УМУММИЛЛИЙ МУАММО. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ҲАМ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСТИҚБОЛИНИ ЁШЛАР ҚИЁФАСИДА КўРАЁТГАНИ ВА УЛАРГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БИЛАН ҚАРАЁТГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС.

дахлдорлик туйғусини ошириш, сафарбарликка даъват этиш каби фазилатлар тизимидан иборат.

Ёшларда бу фазилатларни шакллантириш, мафқуравий иммунитетни кучайтириш, яъни маънавий-руҳий мудроқликдан уйғотиш, ҳар қандай воқеликка муносабат билдира олиш, унга таъсир кўрсатиш, жамият ва умумийлик тараққиёт учун жавобгарлик ҳиссини, дахлдорлик туйғусини намоён этиш орқали ўзини ўзи умумийлик манфаат йўлида йўналтира олиш, сафарбар эга бўлиш фазилатларини ёрқин намоён қиладиган авлодни тарбиялашимиз керак.

Ёшлар қалбида мафқуравий иммунитет ва ғоявий таъсирчанликни оширишда, албатта, қадриятларнинг ўрни катта. Ҳар бир ёш ўзининг тасодифий, бу кенг ва серқирра ҳаётда муаллақ мавжудот эмаслигини, унинг аждодлари буюк, улкан ва маҳобатли маданият-тарихий меросга ворис эканини англамоғи, истиқбол олдидан эса масъул эканини чуқур тушуноғи лозим. Бунда миллий ва умуминсоний қадриятларни етарлича урганиш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, қадриятлар тизимига кирган миллий ахлоқ-одоб, урф-одат ва аънаналар, амалий фаолият билан боғлиқ меъёрлар, ижтимоий ҳақорлик, кишиларнинг ёши, касби, жинси, irqий хусусиятларини инобатга олиб муносабатда бўлиш, диний ва дунёвий қадриятлар туркумини бир-бирига боғлиқ ҳолда, бир-бирини тўлдириб борадиган шаклда амалга оширишни таъқозо этади.

Бунда, албатта, миллий маданият ва санъатни чуқур тушуниш, маросимлар ва байрамлар орқали мафқуравий иммунитетни кучайтириш омилларидан фойдаланиш муҳим. Жумладан, халқ

намоён этаётган космополитизм, буюк давлатчилик шовинизми, irqчилик, фашизм, агрессив миллатчилик, қолаверса, маҳаллийчилик иллатларига қарши тура оладиган, умумийлик манфаатга ҳизмат қиладиган мафқуравий иммунитетни, ғоявий курашчанлик фазилатларини ривожлантиришимиз лозим.

Ёшларга ғоявий таъсир этиш омиллари хилма-хил. Жумладан, ғоявий таъсирда вақт омили алоҳида аҳамиятга эга. Бу бевосита ўқиш вақти ва бўш вақт билан боғлиқ воқеликдир. Ғоявий

қараб индивидуал, жамоавий ва оммавий йўналишларда бўлиши мумкин. Демак, айрим ҳолларда алоҳида-алоҳида ёшлар билан яқка тартибда ғоявий таъсир ўтказишга, маънавий-маърифий ишларни олиб боришга тўғри келса, жамоавий шаклда муайян жамоа тўпланган жойда амалга ошириш мумкин. Ғоявий таъсир этишининг оммавий шакли эса бевосита оммавий ахборот воситалари орқали тўғридан-тўғри бутун жамиятда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришни қамраб олади.

Бизнинг ғояча, ёшлар онги ва дунёқарашига ғоявий таъсир этиш узлуксизлигини, тизимлигини, қомплекс ёндашувни таъқозо этади.

Дарҳақиқат, мафқуравий иммунитетни кучайтиришда доимий равишда узлуксиз тарзда иш олиб бориш керак. Бу борада, афсуски, лексиконимиз эскирган, луғавий бойлигимиз етарли эмас. Ҳамма гапларимиз тўғри. Фақат у умумий тафсилотдан, баёндан иборат. Сўзларимиз ҳароратсиз. Тингловчиси, хусусан, ёшларни ўзини-ўзи жалб эта олмайди.

Иккинчиси — ҳозиржавоблик. Ахборот хуружи авж олаётган ҳозирги пайтда ёшларни ҳайратда қолдириш осон эмас. Хусусан, талаба ёшларнинг кенг имкониятларини, интернет тизимидан фойдаланишга бўлган катта қизиқишини назарда тутсақ, ғоявий-тарбиявий

гарлик ва қобилиятни, юксак билимлар савиясини таъқозо этади.

Учинчиси — аниқлик. Фикрларимиз аниқ, лўнда, ёшлар онига тез кирадиган, қалбини забт эта оладиган бўлмоғи лозим. Кўпсўзликлик аудиторияни зериктириб қўяди. Ҳозирги ёшларнинг тезкор ва шиддатли замон таъсирида шаклланаётган руҳиятини эгаллаш учун қисқа, аниқ, лўнда ва ибодат талаб қилмайди-ган ҳулосалар билан минбарга чиқиб самара бериши мумкин, холос. Бу ўз-ўзидан жуда катта билим, замонавий жараёнлардан хабардорлик ва улпар моҳиятини чуқур тушуналлик, мавжуд фикр ва ҳулосаларни етарли даражада жосибадор қилиб еткази олиш тажрибасини таъқозо этади. Демак, нотиклик санъати, сўз жосибаси муҳим омил бўлиб ҳизмат қилади.

Ифтихор ҳисси, ғурур туйғуси, ғоявий чиниққанлик фазилати мафқуравий иммунитетнинг таянчи. Аини ана шу фазилатлар кучли бўлган одам бутун интеллектуал имкониятларини, ақлий салоҳиятини онгли равишда ишга солади. Ҳар қандай шахсий манфаатлардан умумжамият, умумдавлат манфаатини устун қўяди. “Мен шу халқнинг бир вақилиман, улуг аждодларнинг тўлақонли ворисиман, шу азиз Ватан, шу муқаддас туپроқ аждодларимдан менга етиб келган мерос. Уни асраш, авайлаш менинг бурчим”, деган фикр билан яшайдиган халқни ҳеч қандай бузғунчи ғоя йўлдан урولмайди. Ҳеч қандай таъқозо қилувчи куч уни енголмайди. Ҳар бир ёш ўзининг аждодлари билан фахрлана олиши лозим. Миллий қадриятлари, улуг аждодларнинг жаҳон тараққиётга қўшган буюк ҳиссаси билан фахрлана олиш керак. Ёшларимизда бундай имконият ҳам, катта тарихий асос ҳам бор. Зотан, ўзбеклар инсоният ҳаётига маданият олиб кирган, бир қатор цивилизацияларни қўрган буюк халқлардан бири. Ёшларимиз аждодлар меросини кўнг билан ўзлаштирса, уллардан юрта сadoқат, миллатга фидойилик, ғанимларга нафрат, қатъият ва ирода сабоғини олса, Президентимизнинг ғоят инсонпарвар ва миллатпарвар ғояларини бугунги ривожланишнинг таянчига айлантирса, ҳақиқий маънодаги Янги Ўзбекистон фуқароси дунёга келган бўлади. Биз шунга эришимиз лозим.

Ҳозирги цивилизациявий шароитда ёшлар қалбида, онгу шуурига таъсир этиш осон эмас. Турли қарама-қарши ахборотларга эга, интернет ва бошқа маълумот базаларидан кенг фойдаланаётган ёш авлод психологияси бутунлай бошқача. Уларда миллий орият, ўзи фуқароси бўлган шонли, шухратли Ўзбекистон деган давлат билан фахрланиш, унинг тақдирига тақдирдошлик, истиқболга дахлдорлик ҳиссини уйғотиш долзарб муаммога айланган. Демак, улпар билан ишлаш, фуқаролик туйғуси, келажак учун жавобгарлик ҳисси юқори бўлган авлодни воёга етказиш заруратга айланмоқда. Ҳар бир ёш қалбида ғоявий иммунитетни ривожлантириш, фаол фуқаролик позициясини кучайтириш Янги Ўзбекистоннинг буюк келажакини таъминлаш билан боғлиқ умумийлик муаммо. Давлатимиз раҳбарини ёшлар қиёфасида кўраётгани ва улпарга алоҳида эътибор билан қараётгани бежиз эмас.



умумий манфаатлар доирасида бир-бирига боғлиқ, бир-бирининг тақдирига дахлдор улкан қадриятдир. Ана шу мураккаб руҳий ҳолатдан келиб чиқиб, ёшлар, улларнинг дунёқарашини, ҳаётий эҳтиёж ва интилишларини доимий равишда ўрганиб, жамиятнинг фаол ва ташаббускор қатламига айлантириш зарурат тусини олмақда.


Инсон ижтимоий табиатига кўра ўз турмуш тарзини ўзи йўлга қўяди, ўзини ўзи бошқаради. Уй-ҳаёллари, орзу-умидлари ва мақсадларини рўёбга чиқариш жараёнлари орқали ҳаётини реал воқеликка айлантиради. Яхшилик ва ёмонлик, саҳийлик ва баҳиллик, муҳаббат ва нафрат инсон оламнинг бутун моҳиятини белгилайди. Бошқача айтганда, инсон ўзини ўзи мувофиқлаштириб турадиган, химоя қиладиган, тиклайдиган, йўлга соладиган, ҳатто шакллантирадиган мураккаб тизим. Ана шу ҳолатнинг ўзи ҳар бир инсондан маънавий баркамолликка интилиб, руҳий тозаланиш ва ахлоқий етуклигини доимий равишда ошириб боришни таъқозо этади.

Инсоннинг моҳияти, табиати, жонзот сифатидаги имкониятлари хусусида гапирар экан, Имом Ғаззолий “Кимёи саодат” китобида “Инсон фаришта ва ҳайвон орасидаги маҳлуқдир. Ҳайвон ривожланмайди, чунки унинг камолот қуввати йўқ. Фаришта ҳам



таъсир йўналишлари эса ақлий, руҳий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик омиллардан иборат. Ғоявий таъсир этиш шакллари ҳам таъсири, миқёси ва кўламига

ишларда ҳозиржавоблик, бугуннинг гапини айта олиш, бугуннинг муаммосига объектвий ёндашиш, ёш тингловчиси бунга ишонтира билиш алоҳида тайёр-



ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ТАЪЛИМ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ЯНГИ ДАВР

Шухрат ТЕШАЕВ,
Бухоро давлат тиббиёт институти ректори, профессор



Миллий юксалишимизнинг иккинчи босқичи учун ишлаб чиқилган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида кўзланган мақсадларни амалга ошириш нафақат қонунларимизни янгилашни, балки Бош қонунимизни ислохотлар руҳига мослаштиришни ҳам талаб қилмоқда. Шу маънода, янги таҳрирдаги Конституциямизда "Инсон қадри учун" ғояси устувор йўналиш сифатида белгиланиб, "давлат — жамият — инсон" тамойили "инсон — жамият — давлат" деб ўзгартирилётгани халқ манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйишни кўзда тутди.

Бугунги тараққиётни илм-маърифат ва таълим ривожисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бинобарин, ҳозирги пайтда башариётнинг илм-фан соҳасида беллашуви тобора авж оляпти. Дунёнинг илғор давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланиши ҳам бежиз эмас. Негаки, мамлакатнинг келгуси равнаки айнан шу соҳада қўлга киритган ютуқлари билан чамбарчас боғлиқ.

Соғлом, билимли, маданияти ёшлар мамлакат тараққиёти ва келажакни белгилаб берувчи ҳамда жамиятда ижобий ўзгаришларни амалга оширишда ҳаракатлантирувчи кучдир. Ўз навбатида, ўсиб келаётган авлоднинг ҳар томонлама етук ва баркамол шахс этиб тарбиялаш таълим соҳасида олиб борилаётган бугунги ислохотлар самараси билан белгиланади.

Ўзбекистоннинг бу борадаги позициясини давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзлари ифодалайди: "Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам, бу — илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бе-

Бу ўринда академик эркинлик ҳуқуқи берилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисобланган. Олий таълим муассасаларининг тадқиқотлар ўтказиш эркинлиги ҳуқуқи белгиланаётгани ҳам эътиборга молиқ.

Академик эркинлик — тадқиқот эркинлиги, таълим бериш эркинлиги ва таълим олиш эркинлиги каби учта асосга қўрилади. Шунингдек, академик эркинликка эга шахслар ҳамда таълим муассасалари давлат, жамият ва таълим ташкилотларидаги долзарб муамло, масалалар бўйича тадқиқотлар олиб бориш, ўз фикрини билдириш ва муамлоларни ҳал этиш учун тўлиқ эркинликка йўл қўйилади.

Олий таълим муассасаларининг академик эркинлик ҳуқуқи — биринчи навбатда, ўқув режалари, дастурлар, таълим йўналишлари — буларнинг барчасини ОТМнинг ўзи мустақил, бозордаги талабдан келиб чиқиб, касбий стандартлар асосида ишлаб чиқиш вақолатини ҳуқуқий қафолатлайди. Бундан ташқари, кундузги, масофавий, сиртки, кечки ўқитиш шаклларини, таълим олиш мўддатлари давомилигини ҳам олий таълим муассасасининг ўзи белгилайди.

Холбуки, ОТМлар академик эркинлигининг бош мезони — янги билимларни

демик эркинлик қафолатланиши ОТМларнинг молиявий имкониятлари ҳамда моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга, соғлом рақобат муҳитида илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, фан ва инновацияни ривожлантириш, таълим сифати ва таълим жараёнини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Конституция лойиҳасининг 48-моддасига киритилган "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг қафолатланган ҳажмининг қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли" нормаси фуқароларга тиббий ёрдамнинг қафолатланган ҳажмининг қонунда белгиланган тартибда ва давлат ҳисобидан кўрсатилиши аҳоли саломатлиги учун муҳим ижтимоий кўмак ҳисобланади.

Ҳозирда аҳоли учун тиббий ёрдамнинг қафолатланган бепул ҳажми доирасига шотилини тиббий ёрдам, бир қатор юқумли касалликлар бўйича бирламчи тиббий-санитария ёрдами, ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар ва хавфли касалликлар бўйича ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш кирди.

Давлат ҳисобидан қафолатланган тиббий хизматни ривожлантириш мақсадида 2021 йилдан бошлаб бирламчи бўғида аҳолини 66 турдаги, 2022 йилда 120 турдаги дори воситалари билан бепул таъминлаш йўлга қўйилди. Ихтисослашган марказларда бепул даволанадиган касалликлар руйхати шакллантирилди, тиббий ёрдам учун йўлланма электрон навбат асосида берилмоқда. Энг муҳими, бу тизимга асосан, маблағлар шифохонага эмас, балки беморга ажратилмоқда.

Биргина 2022 йилнинг ўзида тиббиёт соҳасига бюджетдан 29 триллион сўм йўналтирилди, бу 2016 йилга нисбатан 5 баробар кўп дегани. Утган беш йилда шифохоналар ва тез тиббий ёрдам пунктларини дори-дармон, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга йўналтирилган маблағлар 12 баробар кўпайди.

Хусусан, қишлоқлардаги 801 та оилавий поликлиника замонавий ташхис аппаратлари билан таъминланди. Бу орқали қишлоқ ва маҳаллаларда 8 турдаги янги тиббий хизмат йўлга қўйилди. Ҳудудларда 23 ихтисослашган тиббиёт марказининг юздан ортки филиали фаолият бошлади. Буларнинг барчаси юртимизда фуқаролар соғлигини сақлашга қаратилган амалий чоралардир.

Конституцияга киритилган норманинг яна бир аҳамияти шундаки, давлат ўз фуқаролари моддий аҳволидан қатъи назар, қафолатланган бепул тиббий ёрдам билан қамраб олинишини мустаҳкамламоқда. Бу фуқаролар, айниқса, моддий шароити яхши бўлмаган одамлар соғлигини сақлашга давлат гамхўрлик қилишдан тўхтамаслигини аниқлатади.

Қафолатланган тиббий ёрдамга оид норманинг белгиланиши аҳоли, оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар таҳдидини бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Шу ўринда алоҳида мамнуият билан таъкидлаш жоизки, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижаси ҳамда жамоамизнинг 32 йиллик орузи рўёби сифатида бунёд этилган Бухоро давлат тиббиёт институти янги кампуси фойдаланишга топширилгани таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасига эътиборнинг яна бир амалий исботидир.

Шу боис, мамлакатимизда Учинчи Ренессансининг мустаҳкам пойдевори сифатида намоён бўлаётган Конституциявий қонун лойиҳасини институтимиз жамоаси, шунингдек, таълим муассасамизда таҳсил олаётган олти мингдан зиёд талаба ёшлар ҳам қўллаб-қувватлашга ишонамиз.



Тоқир ИСТАТОВ (ЎЗА) олован суратлар.

раётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ".

Конституциявий қонун лойиҳасида таълим олиш ҳуқуқи ва имконияти кенгайтирилиб, ўқитувчилар конституциявий мактабга эга бўлиши бўйича ҳам нормалар киритилган. Хусусан, мактабга таълим, мактаб, олий таълим ва илм-фан соҳаларини устувор тараққиёт этириш давлат томонидан қафолатланиши кўзда тутилмоқда. Хўш, бу қандай механизмга асосланади? Жавоб шундай: давлат мактабга таълим, мактаб ва олий таълим тизимини, турли мулк шаклидаги, жумладан, хусусий таълим муассасаларини ривожлантириш учун зарур шароит яратиш бериши, педагог ҳодимлар касбий фаолиятига аралаштириш, уларнинг хизмат мажбуриятини бажаришига тўқинлик қилишга йўл қўйилмаслиги каби конституциявий норма ва қоидалар даражасида мустаҳкамланмоқда. Айни шу нарса жамиятимизда таълимнинг янги сифат ўзгаришларига асос бўлади.

Масалан, 51-моддада "Фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли. Олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга"лиги белгиланмоқда.



БУГУННИНГ ГАПИ

Анвар ЛУТФУЛЛАЕВ,
Тошкент давлат педагогика университети профессори

Илк бор ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлар қаторида янги таҳрирдаги Конституциямизда маданий ҳуқуқлар мажмуи ҳам белгиланди. Унинг таркиби маданият ва санъатга оид таълим, ижодий қобилиятни рўёбга чиқариш, инсоннинг ижодий кашфиётларини рағбатлантириш ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш иборат. Шу жиҳатдан Конституциямизда белгиланаётган маданий ҳуқуқларни идрок этиш, бу борадаги бурч ва масъулиятни англай билишимиз ниҳоятда зарур.



муассасаларида мусиқа санъати ижрочилигини ривожлантиришнинг янги методикаси ва воситаларини ишлаб чиқиш соҳадаги долзарб масала бўлиб қолмоқда. Чунки мусиқа санъати ёки маданий кўникмалар умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг эстетик маданиятини инновацион жамият талабларига мос равишда шакллантиришда муҳим омилдир. Шу сабабли Конституциямизнинг янги таҳририда белгиланган маданий ҳуқуқларни рўёбга чиқариш учун шундай тадбирларни амалга ошириш шарт.

Бош қонунимизда асосий ҳуқуқлар, бурч ва вазифалар аниқлаб берилган. Улардан фойланиш учун амалий тадбирлар мажмуига асосланиш зарур.

МАДАНИЙ ҲУҚУҚЛАР РЎЁБИ

Халқимизнинг янгича тафаккур сари навбатдаги қадами бўлади

Маданий ҳуқуқларни таъминлаш учун маданият ва санъат соҳаси бўйича таълимни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. У миллий маданий мерос ва мусиқа санъати манбалари, назарияси ҳамда методикасини ўзлаштириш, шахсининг ижодий лаёқатини ривожлантириш асосларини қамраб олади. Бу борада мамлакатимиздаги ўрта махсус ва олий таълим муассасалари фаолиятида ўзига хос тажриба мавжуд бўлиб, билим олувчиларнинг маданий ва санъатга оид таълимий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш орқали амалга оширилмоқда. Шу жиҳатдан шахсининг маданий ва санъат бўйича ўқиши тўлиқ таъминланган. Бу борада мусиқа маданияти бўйича касбий етук ўқитувчилар ҳамда профессионал мусиқа санъати мутахассислари тайёрланаётгани ҳам

“ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ МАМЛАКАТИМИЗДА МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАЯНЧ КОНЦЕПЦИЯСИ СИФАТИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ КЕРАК. ШУ САБАБИ БОШ ҚОНУНИМИЗНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИГАН РЕФЕРЕНДУМДА МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИ ВАКИЛЛАРИ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИБ, ХАЛҚИМИЗ ВА ЖАМИЯТИМИЗ УЧУН ФИДОЙИЛИК НАМУНАСINI КЎРСАТИШИ ЖУДА МУҲИМ.

маданий ривожига муносиб ҳисса қўшаётир. Бу ўринда маданият ва санъат бўйича педагоглар, мутахассислар, илмий ҳодимлар ҳамда амалий фаолиятдаги санъаткорларнинг ҳиссаси юқори бўлаётгани эслаб ўтиш жоиз.

Шу жиҳатдан Конституциямизнинг янги таҳририда белгиланган маданий ҳуқуқлар тушунчасини нафақат эркинлик, балки уларни рўёбга чиқариш учун бурч ва масъулият сифатида қабул қилиш ҳам лозим. Маданият ва санъат соҳаси вакиллари "маданий ҳуқуқ", "маданий манфаат", "маданий бурч" ва "маданий масъулият" тушунчаларининг маъно-мазмунини тўғри идрок этиши ҳамда фаолиятда уларни рўёбга чиқариш учун ҳаракат қилиши мақсадга мувофиқ.

Мустақиллик йилларида халқимиз ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлар мажмуини идрок этиб, уларни рўёбга чиқариш учун муайян тажрибага эга бўлди. Фикримизча, энди нафақат маданий ҳуқуқлар, манфаатлар, бурч ва масъулиятни англаб, уларни рўёбга чиқаришдан иборат. Бунинг учун энг муҳим икки таянчсиз бор: биринчиси, маданият ва санъат бўйича улкан мерос ҳамда уларни яратувчилар фаолияти; иккинчиси, маданият ва санъат соҳаси бўйича профессионал таълим таъминлангани. Бу таянч омиллар Янги Ўзбекистон Конституциясида белгиланган маданий ҳуқуқларни амалий жиҳатдан рўёбга чиқаришнинг муҳим асосларидандир.

Маданий ҳуқуқларнинг яқин келажакда амалга ошиши тўғрисида сўз борганда бир неча йўналишларда амалий фаолиятни кучайтириш лозим. Бундай йўналишларнинг энг муҳимлари сифатида қолғу ва оркестр ижрочилиги, хонандлик, опера, балетни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда бу борада иқтидорли ёшларга шароит яратиш ижод, кинорежиссура, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида асосида юксалтириш, рассомлик ҳамда барча тасвирий санъат йўналишларини тараққиёт этириш дастурларини қабул қилиш мақсада мувофиқ. Қолаверса, маданият ва санъат соҳасининг барча тури ҳамда йўналишларида таълим жараёнини кучайтириш, иқтидорли ёшларнинг ижод намуналарини жаҳон миқёсига олиб чиқиш, жумладан, мусиқа санъати бўйича касбий етук педагог кадрлар, таълим муассасалари учун профессионал мусиқа санъати мутахассисларини тайёрлаш долзарб бўлиб турганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Янги Ўзбекистон Конституцияси мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини ривожлантиришнинг таянч концепцияси сифатида қабул қилиниши керак. Шу сабабли Бош қонунимизни такомиллаштириш бўйича ўтказиладиган референдумда маданият ва санъат соҳаси вакиллари фол иштирок этиб, халқимиз ва жамиятимиз учун фидоийлик намунасини кўрсатиши жуда муҳим.



долзарб масала. Буларнинг барчаси мамлакатимизда шахсининг маданият ва санъат бўйича билим олиш ҳуқуқини халқро ҳуқуқ талаблари асосида рўёбга чиқариш имконини бермоқда.

Конституциямизда шахсининг маданият ва санъатга оид ижодий лаёқатини ривожлантириш ва рўёбга чиқариш маданий ҳуқуқлар мажмуининг муҳим таркибий қисмларидан бири сифатида белгиланмоқда. Таълим олувчилар ва катта ёшдагилар маданият ҳамда санъат бўйича таълимий лаёқатини ривожлантиришга эҳтиёж сезаяпти. Шу сабабли мазкур конституциявий ҳуқуқни таъминлаш учун мамлакатимизда маданият ташкилотлари, амалий тўғарқлар ва индивидуал студиялар фаолият юритмоқда. Бу муассасалар театр, санъат, кино ва ижодкорлик йўналишларида фаолият юритиши билан юртдошларимизнинг маданий-ижодий қобилиятини ривожлантирувчи муҳим омиллар сифатида намоён бўлаётир.

Бундан ташқари, фуқароларнинг ижодий лаёқатини ривожлантиришда республика ҳамда халқро миқёсда ўтказиладиган танловлар, конкурс ва фестиваллардаги иштироки амалий натижа бермоқда. Бу борада, айниқса, иқтидорли ва қобилиятли ёшлар салоҳиятини мақсадли оширишга йўналтирилган тадбирлар қишини мамнун этади. Ўз навбатида, қобилиятли, истеъдодли ёшлар намунали ижодий фаолияти билан мамлакатимизнинг

